



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 12 (14)
2025**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 12-son 2025 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

12

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2025

MUNDARIJA

Юлдашев Ш.Г. Редкоземельные металлы в новой геоэкономике: глобальные стратегии и приоритеты развития республики Узбекистан.....	7
Tursunov A.M. Совершенствование экономических механизмов функционирования отрасли.	18
Umurzakova Z.S. Sanoat korxonalarida reklama faoliyati samaradorligini aniqlashning uslubiy jihatlari.....	21
Axunov M.A. Korxonalarda raqobatbardoshlikni baholash uchun tanlangan omillar.....	24
Исраилова Д.К. “Аёллар дафтари” маҳаллабай тизими - аёллар бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш омили сифатида.....	28
Шокирова Г.М. Критерии разделения целевой аудитории в сфере цифрового маркетинга.....	33
Vaxtohonova D.N. Bank omonatlari bo‘yicha marketing strategiyalari va ularning real daromadlikka ta’siri.....	36
Xasanova X.F. Investitsilar hisobiga asoslangan xolatda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari tashkil etish tartibi.....	41
Бегимова Д.К. Разработка отраслевых стратегий в Узбекистане.....	45
Mirzayev B.S. CBDC joriy etilishining moliyaviy barqarorlikka ta’siri: imkoniyatlar va xatarlar....	50
Mirzarahimova A.A. Raqamli texnologiyalar asosida sanoat korxonalarida samaradorlikni oshirish yo‘nalishlari.....	53
Азимов О.Т. Ҳалол молиялаштириш инструменти сифатида мурабаха: анъанавий кредит билан қиёсий таҳлил.....	56
Халмирзаев А.А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	62
Шоабдурахимова М.М. Повышение производственной эффективности на предприятиях электронной промышленности на примере Artel Electronics (Узбекистан).....	68
Xolmuratov O.T. Futbol maktablarimiz rivojlanishida xorij mamlakatlari menejmenti va marketingi tajribasi.....	72
Yarashev M.O., Nabieva S.A. Aksiyadorlik jamiyatlarini asosiy va moliyaviy faoliyati samaradorligini oshirish yo‘llari.....	76
Кабилова К. Тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш амалиётининг бугунги ҳолати таҳлили.....	80
Махмудова С. Бюджет соҳасини коррупциядан ҳимоя қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий чоралари.....	85
Захидова Ш.Ш. Университет барқарорлигини таъминлашда унинг фаолиятини халқаро стандартларга мос келадиган тартибда такомиллаштириш.....	89
Saidaxmedov N.X. Raqamli texnologiyalar asosida engil sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirish mexanizmlari.....	97
Усманова С.С. Влияние государственной поддержки и регулирование на развитие инноваций на промышленных предприятиях.....	100
Madrahimov U.A. Iqtisodiy o‘shish va kapitaldan samarali foydalanishni optimallashtirish yo‘nalishlari.....	104
Джалилов Д.А. Капиталнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини баҳолаш.....	108
Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность как медиатор трансформационного экономического роста: теоретические основы.....	111
Mahmudov Sh.N. Location and development of industrial sectors in the regions.....	115
Ustadjalilov D.R. O‘zbekistonda klasterlarni rivojlantirishning institutsional asoslari transformatsiyasi: direktiv modeldan bozor tamoyillariga.....	119
Гайбуллаев Ф. Олий таълимда коррупцияга ўрин бўлмаслиги керак!.....	125
Abdurazakova F.D., Normurodov X.E. Aholi moliyaviy savodxonligi va moliyaviy madaniyati o‘rtasidagi oshirish imkoniyatlarini baholash.....	129
Muxtarov M.M. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi asosida sanoat klasterlarini shakllantirish modellari: O‘zbekiston uchun istiqbollar.....	136
Ro‘zmatov B.Z., Shodiyeva N.H. Turistik infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha xalqaro tajriba va uning taqqoslovchi tahlili.....	140

Rahmatova N.A., Mustafayeva H. O‘zbekistonda pensiya ta‘minoti tizimining muammolari va hal etish yo‘llari.....	147
Ахмедов Х. Тинчлик ва хавфсизлик — барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик гарови.	154
Boboyev A.Ch. Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni barqaror rivojlantirish yo‘nalishlari.....	159
Исраилов З.А. Яшил иқтисодиёт технологиялари: халқаро тажриба ва қиёсий таҳлил.....	165
Ikromov A.Sh. Mahalliy korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotining o‘ziga xos xususiyatlari.....	169
Ҳалмирзаев А.А., Қодиров Б.Ш. Ёшлар бандлигини таъминлашнинг хорижий тажрибалари.....	175
Elmurodov Sh.Sh. A framework for integrating fiscal risks into the assessment of regional financial security.....	183
Axmadjonov S.S. Tadbirkorlik va biznesni qo‘llab – quvvatlashni baholash mezonlari.....	188
Sabirova Z.U. Sanoat va sanoat korxonalarining raqamli transformatsiyasi jarayonlarini tahlil qilishga uslubiy yondashuv.....	192
Pardayev T.N., Alimuxamedov Sh.R. Chetdan olib kelinayotgan tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashni takomillashtirishning ayrim masalalari.....	197
Кадыров А., Исхаков А.К., Турсунова Н.Х. Реализация механизма стратегического управления акционерного общества «Узавтосаноат» на основе прогнозирования его развития.....	203
Zoxidov T.M. Moliyaviy hisobotni buxgalteriya hisobining milliy standartlaridan (BHMS) moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) o‘tkazishning muammolari va yechimlari.....	211
Nabiyeva N.M. Turizm xizmatlari bozorida hududiy destinatsiyalar samaradorligini o‘rganish.....	216
Sharofiddinov Sh.U. Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarda mhxs asosida tuzilgan moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotni axborot manbai sifatidagi afzalliklari.....	221
Nurmatov Z.Sh. O‘zbekiston respublikasida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarini (MHXS) joriy etishning iqtisodiy ahamiyati va amaliy dolzarbligi.....	225
Содиқов А.М., Зокиров С.С. Саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг янги стратегияси.....	230
Narmanov U., Ikromova S. Fond bozorlariga xorijiy investorlarni jalb qilishni rag‘batlantirish yo‘nalishlari.....	238
Qutbiddinov A.B. Samarali faoliyat imkoniyatlarini amalga oshirishda boshqaruv xodimlari qobiliyatlaridan foydalanish darajasi va uni oshirish imkoniyatlari.....	241
Qayumova Sh.S. Mahalliy xomashyo bazasiga ega sanoat korxonalarida investitsiya samaradorligini belgilovchi omillar va ularni oshirishning vertikal integratsiya asosidagi optimallashtirilgan modeli.....	246
Turebekov A.A. Ishlab chiqarish xarajatlarining iqtisodiy sifatining tahlili.....	252
Kurbanova M.N., Azizov A.A. Qadimgi klassik iqtisodiy maktablarning shakllanishi va ularning zamonaviy iqtisodiyot rivojlanishiga ta‘siri.....	255
Samadova G.S. O‘zbekiston iqtisodiyotida tarkibiy o‘zgarishlarning iqtisodiy o‘shishga ta‘siri.....	259
Абдуллаева Р. Инклюзив тadbirkorликнинг моҳияти ва хориж тажрибаси.....	264
To‘uchiyeva B.V. Oziq-ovqat sanoati korxonalarini barqarorligini ta‘minlashda strategik boshqarishning dolzarbligi.....	268
Amnah Saeed J Alhindi The role of financial resources in ensuring corporate financial stability.....	272
Fayziyev O.R. O‘zbekistonda baliqchilik klasterlarini moliyalashtirishning hududiy va tarmoq xususiyatlari.....	276
Алимов Р.А., Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность и искусственный интеллект: многоуровневая модель и фигура нового интеллектуала.....	280
Teshayev Z.J., Muxitdnov Sh.X. Logistika xizmat ko‘rsatish korxonalarini resurslaridan foydalanishning hududiy iqtisodiy rivojlanishiga ta‘siri.....	284
Xaydarov X.U., Raxmonov D.R. 1907-yilgi moliyaviy inqiroz: sabablari, kechishi va jahon moliya tizimiga ta‘siri.....	288
Солижонов М.А. Ўзбекистон монетар сиёсатининг савдо балансига таъсирини баҳолаш....	292
Rejarov X.X. Davlat xarajatlarining samaradorligini baholash mexanizmlari.....	297

**БЮДЖЕТ СОҲАСИНИ КОРРУПЦИЯДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ
ВА ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИ**

**ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И ПРАВОВЫЕ МЕРЫ ПО ЗАЩИТЕ БЮДЖЕТНОГО СЕКТОРА
ОТ КОРРУПЦИИ**

**ECONOMIC AND LEGAL MEASURES TO PROTECT THE BUDGET SECTOR FROM
CORRUPTION**

Сайёра Махмудова

Тошкент Кимё халқаро университети ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада бюджет соҳасини коррупциядан ҳимоя қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий чоралари таҳлиллар асосида кенг ёритилган.

Калит сўзлар: коррупция, манфаатлар тўқнашуви, расмиятчилик, бюджет, бюджет қонунчилиги, коррупциявий омиллар, ҳалоллик стандарти.

В статье на основе анализа рассматриваются экономические и правовые меры по защите бюджетного сектора от коррупции.

Ключевые слова: коррупция, конфликт интересов, бюрократия, бюджет, бюджетное законодательство, факторы коррупции, стандарты честности.

The article, based on an analysis, examines economic and legal measures to protect the budget sector from corruption.

Key words: corruption, conflict of interest, bureaucracy, budget, budget legislation, factors of corruption, standards of integrity.

Коррупция атамаси (лотинча *corrupture*) – “пора бериб сотиб олмоқ”, деган маънони билдириб, юридик адабиётларда ушбу атаманинг кўплаб замонавий талқинлари мавжуд. [1]

Жаҳонда коррупцияга, шунингдек, унинг латент таркибий қисмига қарши курашиш ҳар қандай давлат сиёсатининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳадаги устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Давом этаётган глобаллашув жараёнлари, жаҳон иқтисодиётининг шаклланиши коррупцияни халқаро даражага олиб чиқди ва у «замонавий йиртқич ҳайвон»га айланди. Халқаро нодавлат ташкилот «Transparency International» маълумотларига кўра, маълум ютуқларга қарамай, аксарият мамлакатлар ҳали ҳам коррупцияга қарши самарали кураша олмаяпти[2].

Шу билан бирга, 180 та давлатда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, экспертлар баҳоси ва тадбиркорлар сўровномаларига кўра, давлат секторида коррупцияни идрок этишнинг ўртача даражаси тавсия этилган 50 балл ўрнига атиги 43 баллни ташкил этмоқда.

Коррупциянинг кенг тарқалиши мамлакатнинг барқарор ривожланиш жараёнига кескин тўсқинлик қилиб, давлатнинг иқтисодий ўсиш суръатларини секинлаштиради, шартномаларнинг яширин жиной тил бириктирилган ҳолда юқори қийматларда тузилиши (пора ва бошқа тегишли суистеъмол қилишлар туфайли) истеъмолчиларга маҳсулотларнинг юқори нархларда етказиб берилишига сабаб бўлади, аҳоли турмуш харажатларининг ошиши, унинг даромад даражаси паст бўлган қатламига салбий таъсир кўрсатади.

2017 йил 3 январда фуқаролар ва тадбиркорларнинг, энг аввало, давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, шунингдек, коррупция тусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва

профилактика қилишга қаратилган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни[3] нинг қабул қилинганлиги ўта аҳамиятлидир.

2017 йилга қадар барча соҳаларда, жумладан бюджет соҳасида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг олдини олиш ва профилактика чораларига оид кўплаб масалалар эътибордан четда қолган эди.

Ваҳоланки, айтилган вақтда солиқ, бюджет ва банк соҳасида, шунингдек, молиявий хизматлар борасида коррупция ҳолатларини келтириб чиқараётган омилларни бирма-бир ўрганиб чиқиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир.

Агар 2023 йилда 181 та ҳолатда ишга жойлашиш ҳамда 326 та ҳолатда банк кредитларини ажратиш билан боғлиқ ҳолатларда коррупцияга оид жиноятлар аниқланган бўлса, 2024 йилда 123 та ҳолатда ишга жойлашиш ҳамда 292 та ҳолатда банк кредитларини ажратиш, 640 ҳолатда бюджет маблағидан фойдаланиш билан боғлиқ коррупцияга оид жиноятлар аниқланган[4].

Хабарингиз бор, давлат бюджети маблағларидан амалга оширилаётган дастурларнинг бажарилиши устидан таҳлиллар ўтказиш илгари кўпроқ субъектив табиат касб этарди. Давр энди молиявий операциялар шаффофлиги ва коррупция омиллари мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилишини тақозо этмоқда.

Давлат харидлари тизими ва бу борада қонунчиликка қандай амал қилинаётганлиги ҳам ўрганилади, харидларни амалга ошириш механизмларида коррупцияга оид бўшлиқлар аниқланади ва бу бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Коррупцияга қарши фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

– Давлат бюджетининг шаклланишидан тортиб, унинг ижросини таъминлашда коррупциявий омиллар жойларга чиқиб, маҳаллаларга бориб аниқланмоқда ҳамда уларни бартараф этиш учун амалдаги қонунчиликка аниқ таклифлар тайёрланмоқда.

– Молиявий назорат механизмларини янада кучайтириш устида иш олиб борилмоқда. Бюджет харажатларини таҳлил қилишни тизимли йўлга қўйишда тегишли таклифлар тақдим қилинмоқда.

– Рақамлаштириш орқали давлат молияси, солиқ ва божхона тизимларида инсон омилни камайтириш, молиявий ахборот тизимлари очиқлигини таъминлаш, бунда улар фаолияти шаффофлигига эътибор қаратиш бўйича иш олиб борилмоқда.

– Давлат харидлари жараёнида коррупцияга қарши курашни кучайтириш, танлов ва тендер жараёнларининг очиқ ва шаффоф ўтказилишини таъминлаш бўйича яъни тўғридан-тўғри харидларни икки қарра қисқартириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

– Жамоатчилик фикрини инобатга олиш, давлат бюджетининг шаффоф ва самарали бошқарилишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорлик кучайтирилмоқда.

Давлат молияси, банк тизими, бюджет, солиқ ва пул-кредит сиёсати мамлакатимиз тараққиётининг асосий воситаларидан биридир. Уларнинг шаффофлиги ва самарали бошқарилиши учун Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмиталари, жамоатчилик, масъул вазирлик ҳамда идоралар билан коррупциянинг олдини олиш борасида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 121-моддасида белгилаб қўйилгани каби “давлат харидлари товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчиларнинг рақобати ва очиқликни таъминлаш асосида амалга оширилади. Давлат харидлари амалга оширилиши ва уларнинг яқунлари тўғрисидаги эълонлар белгиланган тартибда махсус ахборот порталида (Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг махсус веб-сайтида) жойлаштирилиши керак. Давлат харидлари амалга оширилиши тўғрисидаги эълонлар махсус ахборот порталида ушбу харидлар амалга оширилишидан камида ўн кун олдин, бироқ жорий молия йилининг 10 декабридан кечиктирмасдан жойлаштирилиши керак” [5].

Ваҳоланки, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни[3] ушбу йўналишда янги бир босқичга қадам қўйганимиздан далолат беради. Ушбу қонун нафақат норматив-

хукукий база вазифасини таъминлаб беради, балки коррупцияга қарши кураш соҳасидадаги барча муносабатларни тартибга солади.

Қонуннинг 23-моддасига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Унга кўра: “давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш;

адолатли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида ҳолисона мезонлардан фойдаланилишини таъминлаш;

– ички назоратнинг самарали тизимини, шунингдек давлат харидларини ўтказиш натижалари юзасидан шикоят қилиш ва низолашишнинг самарали тартиб-таомилни яратиш;

– давлат электрон савдоларининг самарали ишлашини таъминлаш”.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш нафақат савдоларни ташкиллаштирувчи, балки барча иштирокчиларга бирдек масъулият юклайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Бош прокуратура томонидан 2018-2024 йилларда давлат харидларини амалга оширишда содир этилган коррупциявий жиноятлар таҳлил қилинганда, соҳада 791 нафар шахс жинойий жавобгарликка тортилгани аниқланган. Жавобгарликка тортилган давлат органлари вакиллари: қурилишда – 12 нафар; молияда – 14 нафар; қишлоқ хўжалигида – 14 нафар; бандликда – 14 нафар; маданият соҳасида – 15 нафар; спорт – 16 нафар; олий таълимда – 17 нафар; маҳаллий давлат ҳокимияти – 73 нафар; соғлиқни сақлаш – 116 нафар; мактабгача ва мактаб таълими – 149 нафар[4].

Кўриниб турибдики, бюджет маблағлари кўпроқ фан, таълим, маданият, спортни ривожлантиришга сарфланади. Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшларга оид соҳаларда коррупцияга қарши курашиш борасида қилиниши лозим бўлган тизимли масалалар кўп. Биргина Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан 2024 йилда бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан самарали назоратни таъминлаш, бюджет қонунчилиги бузилиши профилактикасини кучайтириш борасида тизимли ишлар олиб борилгани ўта аҳамиятлидир.

2024 йилда бюджет маблағларидан мақсадли сарфланишини таъминлаш, ноқонуний харажатларнинг олдини олиш борасида [4]:

– давлат органлари харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларининг ҳаққонийлигини таъминлаш борасида ўтказилган ўрганишларларда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан бирга 2,3 трлн сўм маблағ мақбуллаштирилди;

– бюджет маблағлари ҳаракати устидан ўрнатилган масофавий мониторинг натижасида 554 та ҳолатда давлат харидлари билан боғлиқ 3,1 трлн сўмлик ноқонуний харажатларнинг олди олинди;

– ўтказилган тезкор-таҳлилий тадбирлар натижасида 857 та ҳолатда 1, 2 трлн сўмлик бюджет маблағлари талон-торожига барҳам берилиб, 660 млрд сўми бюджетга ундирилди;

– 87 та ҳолатда 247 млрд сўмлик субсидия маблағларидан мақсадсиз фойдаланишга чек қўйилди.

Айни пайтда таълим, маданият хизматларини кўрсатишда бюрократия ва коррупция хавфлари чуқур ўрганилишини талаб этади. Энг аввало, “Коррупция — келажакка таҳдид” деган ғоя асосида Янги Ўзбекистон ёшлари, азиз фарзандларимиз қалбидан жой оладиган тизим яратиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинishi керак. Таълим, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш соҳаларида маиший коррупциявий ҳолатлар ўрганилиши керак. 2025 йилнинг 5 март куни давлатимиз раҳбари коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишдаги нутқида: “Коррупцияга қарши курашишни туман-маҳалла даражасигача тушириш, бу борада жамоатчилик билан ҳамкорликда “Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишлайдиган тизим яратиш” [6] бўйича топшириқлар берди.

Шунингдек, Фан, таълим, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш соҳаларида рақамлаштириш, инсон омилини камайтириш, коррупцияга қарши курашиш борасида қабул

килинган қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорларининг вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар томонидан ўз вақтида, моҳиятан тўғри бажарилиши устидан парламент назорати ўрнатилиши зарур. Мустақил фикр, қатъий позицияга эга ёш авлодни тарбиялаш бўйича олий таълим ташкилотларида талаба ва ёшларнинг коррупцияга қарши лойиҳалари, стартап ҳамда инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш ҳам замон талаби. Ҳақиқатан ҳам, Фан, таълим, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашишда тизимда бюрократик тўсиқлар, майда маиший коррупцион ҳолатлар ханузгача бор.

Аҳолини ташвишлантираётган масалалар ва коррупциявий хавфларни аниқлаш, ечим топиш борасида ҳудудларда “маҳалла еттилиги” вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш керак, аҳоли дуч келаётган қатор муаммолар тўғрисида суҳбатлашиб, таклиф ва фикрлар олиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш керак.

Бугун ижтимоий тармоқларда муҳокама бўлаётган масала — фан, таълим, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммоларни ўрганиш жараёнида қабул килинган дастурлар ижроси яқунланмагани, айниқса бирламчи тиббий хизмат сифати пастлиги, коррупцион ҳолатлар устидан назорат ўрнатиш мақсадида ишонч рақамларининг узлуксиз ишлаши таъминланмагани каби ҳолатлар кузатилмоқда. Жумладан, коррупция ҳолатлари энг кўп, дея айтилган туман тиббиёт бирлашмаларида бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолияти, дори-дармон воситалари бўйича харид қилиш тартиблари, туман бандликка кўмаклашиш бўлимларида хизматларни рақамлаштириш масалаларини мониторинг қилиб бориш керак. Мазкур тўсиқларни олиб ташлаш, давлат идоралари фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифларни ишлаб чиқиш устида ишлаш керак.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида коррупцияни олдини олишнинг норматив-ҳуқуқий, ташкилий амалий ва институционал асослари яратилиб, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат шаклланмоқда. Шу билан бирга, амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттиришни талаб этмоқда.

Маълумот учун: Мисол учун, ҳудудларда “Темир”, “Аёллар”, “Ёшлар” ва “Меҳр” дафтарларида ҳисобда турган ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланиши ўрганилганда 12 402 та ҳолатда жами 82,9 млрд сўмлик (шундан 5 минг 423 та ҳолатда 23,5 млрд сўми жорий топшириқ доирасидаги ўрганишларда) хато ва камчиликлар аниқланган. Ўрганишларда аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича тўпланган 387 та материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган[4].

Таклифлар: 1. Бюджетни режалаштириш ва харажатларни мониторинг қилиш жараёнларини автоматлаштириш борасида рақамли воситаларни жорий этиш, харажатларни оптималлаштириш ва бюджет дастурлари самарадорлигини ошириш учун маълумотларни таҳлил этиш орқали давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш керак.

2. Коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган бюджет соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳаларини амалга ошириш ва коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган таълим, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш соҳаларида “коррупциясиз соҳа офиси” лойиҳаларини ишга тушириш.

3. Давлат бюджети тизимида коррупциянинг олдини олиш мақсадида давлат бюджети тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дрозюк, В. А. Коррупционные преступления: понятие, выявление основных коррупционных факторов и методы их профилактики // Актуальные вопросы экономики и управления: материалы VII Междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, апрель 2019 г.). — Санкт-Петербург.
2. Электрон манба: <https://www.transparency.org>.

3. Ўзбекистон Республикасининг ”Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни/ Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т., 2017.
4. Қаранг: Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза Ахборот таҳлилий маълумот. //Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2024.-13-б; Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза Ахборот таҳлилий маълумот. //Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2025.-11-б:
5. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2304138
6. Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. <https://www.president.uz/uz/lists/view/7924>

УДК: 338.465

**УНИВЕРСИТЕТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС КЕЛАДИГАН ТАРТИБДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**ОБЕСПЕЧЕНИЯ СТАБИЛЬНОСТИ УНИВЕРСИТЕТА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ
ЕГО ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СООТВЕТСТВИИ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ
СТАНДАРТАМИ.**

**ENSURING THE STABILITY OF THE UNIVERSITY AND IMPROVING ITS
ACTIVITIES IN ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS.**

Захидова Ш.Ш. ЎзМУ доценти, DSc.

Аннотация

Ушбу мақолада университет эришаётган натижалар барқарорлигини таъминлашда халқаро стандартларга мос келадиган тартибда унинг фаолиятини такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва мақсадга эришишда университетда аввало замонавий таълим технологиялари ва йўналишларини жорий этиш қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рейтинг, баҳолаш, халқаро стандарт, гибрид таълим, университет, замонавий таълим, олий таълим муассасалари.

В данной статье разработаны предложения и рекомендации, направленные на разработку стратегии совершенствования деятельности университета с целью обеспечения стабильности результатов, достигаемых университетом в соответствии с международными стандартами, а также внедрения современных образовательных технологий и тенденций в университете для достижения поставленной цели.

Ключевые слова: рейтинг, оценка, международный стандарт, гибридное образование, университет, современное образование, высшие учебные заведения.

This article presents proposals and recommendations aimed at developing a strategy for improving the university's operations to ensure the stability of its results in line with international standards, as well as the implementation of modern educational technologies and trends at the university to achieve this goal.

Keywords: ranking, assessment, international standard, hybrid education, university, modern education, higher education institutions.